

Макка ва Мадинада хорижлик мусулмонлар ер сотиб олишлари мумкин



15:31 / 19.04.2023 2372

Кўчмас мулк Бош бошқармаси бош раҳбари Абдулла Алҳамад ўтган ҳафта Саудия Арабистони Ротана Халижия каналига берган интервьюсида саудиялик бўлмаган чет эллик мусулмонлар мамлакатда қишлоқ хўжалиги, тижорат ва турар-жой мулкларини сотиб олишлари мумкинлигини айтди. Бу ҳақда theislamicinformation.com сайти хабар берди.

Тез орада Алҳамад харидлар қандай амалга ошиши ҳақида батафсил маълумот беради.

Алҳамаднинг сўзларига кўра, қарор барча ҳудудлар учун амал қилади.

Аммо мусулмон бўлмаганлар бундан фойдалана олмайди ҳамда Макка ва Мадинада назорат остида бўлади.

NEOM номи билан танилган 500 миллиард долларлик мегаполис Саудия Арабистонининг 2030 йилга мўлжалланган Vision режаларининг бир қисмидир.

Ўтган йили инвестиция вазири чет элликларга мулкка тўлиқ эгалик қилиш имконини беришни таклиф қилган эди.

Баъзи инвестиция зоналари одатда Форс кўрфази давлатларида хорижий мулкка эгалик қилиш билан чекланади.